

ТЕХНИКАДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ № 15

Гала Осиё ш

«05» ноябрь 2022 йил
«Бухоро туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси» (кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади) номидан узининг низоми асосида иш юритувчи директор У.Н.Рахматов тимсолида, бир томондан ва "Orzu Trans Imkon" МЧЖ (кейинги ўринларда "Ижрочи" деб юритилади) номидан узининг низом асосида иш юритувчи раҳбар А.Авезов тимсолида, иккинчи томондан мазкур шартномани қўйидагилар ҳақида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1. «Буюртмачи» топшириқ беради, «Ижрочи» эса қўйидаги хизматларни кўрсатиш мажбуриятини олади: «Бухоро туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси» га қарашли бўлган йўл булимларининг узида мавжуд машина-механизмлар билан техника хизмати курсатади.

1.2. Кўрсатиладиган хизматларга (бажариладиган ишларга) нисбатан қўйиладиган иқтисодий, техник, ташкилий ва бошқа талаблар: **давлат стандартлари асосида белгиланади.**

2. ИШЛАР (ХИЗМАТЛАР) ҚИЙМАТИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

2.1. Бажарилган ишлар (хизматлар) учун «Буюртмачи» шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган шартномавий наҳларни келишувига асосан туловни амалга оширади. Шартноманинг умумий қиймати **3 897 036 (Уч миллион саккиз юз тўқсон етти минг ўттиз олти) сўмни** ташкил қилади.

2.2. Тўлов шартнома умумий қийматининг 30% фоизни олдиндан пул кўчириш йўли билан тўлаш орқали амалга оширилади. Бажарилган ишлар учун кейинги ва якуний тўловлар ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи топшириш-қабул қилиш далолатномаларига асосан далолатнома тузилгандан кейин 30 кун муддатда амалга оширилади.

3. ИШЛАР (ХИЗМАТЛАР)НИ БАЖАРИШ ВА ТОПШИРИШ-ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

3.1. «Ижрочи» ишлар (хизматлар)ни «Буюртмачи» томонидан ёзма равишда бериладиган буюртмалар ёки тарафларнинг узаро келишуви асосида амалга оширади.

3.2. «Ижрочи» ушбу шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган хизматларни (ишларни) шахсан ўзи бажариши шарт.

3.3. Ишлар бажарилгандан сўнг «Ижрочи» «Буюртмачи» га бажарилган ишлар (хизматлар)ни топшириш-қабул қилиш далолатномасини тақдим этиб унга ҳисобот ҳужжатларини илова қилади.

3.4. «Буюртмачи» нинг радномаси асосли деб топилган тақдирда, тарафлар икки томонлама далолатнома туздилар ва унда қўшимча бажарилиши лозим бўлган хизматлар рўйхати ва уларни бажариш ёки бажаришни тўхтатиш муддатларини кўрсатдилар.

3.5. Ишларни бажариш (хизматларни кўрсатиш) жараёнида уларни давом эттириш имконияти йўқлиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланган тақдирда, «Буюртмачи» бу ҳақда «Ижрочи»ни хабардор қилиши ва у билан бирга зарурий чораларни кўриши шарт.

4. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1. «Ижрочи»нинг мажбуриятлари:

А) «Ижрочи» ушбу узаро тузилган шартномага асосан иш олиб боради.

Б) «Ижрочи» «Буюртмачи» талабига асосан имконият даражасида техник ҳолати ярокли бўлган тоза курук бегона хидлардан ҳоли бўлган техникани хайдовчиси билан ажаратиши, техника воситаларининг қайд этиш гувоҳномаси, русуми, давлат рақам белгиси ва хайдовчиси борасидаги маълумотларни тақдим қилади.

В) «Ижрочи» «Буюртмачи» дан олган топшириқни тулик бажаргунга қадар тула жавобгар шахс ҳисобланади.

Г) «Ижрочи» иш бажаришга юборилган техникани техник ҳолатини доимий назорат қилиб боради, зарур ҳолларда техникани таъмирлаш, техник хизматини курсатиш ишларин уз ҳисобида амалга оширади.

Д) «Ижрочи» ойида бир марта (кейинги ойнинг 5 кунига қадар) утган ойда курсатилаган хизмати учун тасдиқланган ҳужжатлар асосида буюртмачи идорасига тулов ҳисоб-фактураси тақдим қилади.

Е) «Ижрочи» нинг бажарилган ишлари товар-транспорт накладнойга асосан расмийлаштирилади ва бу ҳолатда ортиқча сарфланган ёкилги-мойлаш маҳсулотларини «Ижрочи» уз ҳисобидан иш бажариш йўли билан ёки бажарилган иш суммасидан коплаб беради.

4.2. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари:

А) «Буюртмачи» тегишли техника воситаларига уз вактида топширикни беради.

Б) «Буюртмачи» хайдовчига зарур шарт-шароиларни таъминлашни ва амалдаги конунларга асосан иш кунини белгилашни уз зиммасига олади.

В) «Буюртмачи» техника воситаларига берилган топширикни бажариш учун зарур холларда тегишли ёкилги мойлаш махсулотлари билан таъминлашни уз зиммасига олади ва уларнинг киймати бажарилган иш хажми кийматидан чегириб қолинади.

Г) «Буюртмачи» техникага иш жараёнида техник хизмат курсатиш зарур булган такдирда унга керакли булган маблагни уз хисобидан ажратади ва уларнинг киймати бажарилган иш хажми кийматидан чегириб қолинади.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ.

5.1. Шартномавий мажбуриятларни бажармаганлик ёки етарли даражада бажармаганлик учун тарафларнинг ушбу шартнома билан белгиланмаган жавобгарлиги амалдаги конун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

5.2. «Ижрочи» томонидан уз зиммасига олинган мажбуриятлар лозим даражада бажарилмаган ёки умуман хизматлар курсатилмаган такдирда, «Ижрочи» «Буюртмачи»га ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,01% фоиз микдорида, аммо шартнома кийматининг 10% фоизидан ортиқ булмаган микдорда пеня тулайди.

5.3 «Буюртмачи» томонидан уз зиммасига олинган тулов мажбуриятлар лозим даражада бажарилмаган ёки умуман туловлар амалга оширилмаган такдирда, «Буюртмачи» «Ижрочи» ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,01% фоиз микдорида, аммо тулов амалга оширилмаган сумманинг 10% фоиздан ортиқ булмаган микдорда пеня тулайди.

5.4. Ушбу шартнома юзасидан келиб чиқадиган низолар Бухоро туманлараро Иқтисодий судида ҳал этилади.

6. ЯКУНИЙ ШАРТЛАР.

6.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган такдирда ҳақиқий ҳисобланади.

6.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасини амалдаги конун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

6.3. «Буюртмачи» хизматларнинг белгиланган баҳосини тўлиқ тўлаш шarti билан ушбу шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақли, шартнома «Ижрочи»нинг айбли ҳаракатлари туфайли бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно.

6.4. «Ижрочи» ушбу шартнома бекор қилиниши туфайли буюртмачига етказилган зарарнинг ҳаммасини тўлаш шarti билан ушбу шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақли, шартнома «Буюртмачи»нинг айби билан бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно.

6.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 (ун) кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

6.6. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача белгиланади.

6.7. Шартнома икки (2) нусхада бўлиб, ҳар бири бир хил кучга эга.

ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ.

«Буюртмачи»

«Бухоро ТЙФУК»

Бухоро туман Гала-Осиё ш

Ш.Х/В 4700 1086 0062 0770 4519 3118 001

ИНН: 200 996 679

Ҳазначилик бўлнимаси номи:

Бухоро ҳазначилик бошқармаси

Ҳазна х/в 2340 2000 3001 0000 1010

Банк номи: Тошкент ш. Марказий

банк ХККА. МФО: 00014

Ҳазначилик бошқармаси ИНН: 201 122 919

Тел: 0-365-54-25-156

Директор:

У.Н.Раҳматов

«ИЖРОЧИ»

«Orzu Trans Imkon» МЧЖ

Манзил: Бухоро вилояти Пешку тумани

Х.Р: 2020 8000 9048 7223 2001

Банк номи: ЎзСҚБ Бухоро филиали

МФО: 00086

ИНН: 301 721 921

Тел.: 90 718-40-70

Раҳбар:

А.Авезов